

## БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚЎШИН ТАРКИБИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ, АСКАРЛАРНИНГ ҚЎШИН ТАРКИБИДАН ҚОЧИШИ (ДЕЗЕРТИРСВО), САБАБИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

**Юнус Асрорович Шукуруллаев**

Бухоро муҳандислик-технология институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

***Аннотация:** Мақолада Бухоро амирлиги қўшини сафига қабул қилиш қоидалари, аскарларнинг қўшин таркибидан қочиши, сабаб ва оқибатлари манбалар асосида таҳлил этилади.*

***Калим сўзлар:** Шанбеги сарбозлар, Сешанбеги сарбозлар, қўлончин, думболапур, даханпур, қўшин таркибидан қочиш.*

***Аннотация:** В статье на основе источников анализируются правила приема в армию Бухарского эмирата, дезертирство солдат из армии, причины и последствия.*

***Ключевые слова:** Солдаты шанбеги, Солдаты сешанбеги, Колончин, Думболапур, Даханпур, Побег из армии.*

***Annotation:** Based on sources, the article analyzes the rules for admission to the army of the Emirate of Bukhara, the desertion of soldiers from the army, the causes and consequences.*

***Key words:** Shanbegi soldiers, Seshanbegi soldiers, Kolonchin, Dumbolapur, Dahanpur, Escape from the army.*

Бухоро амирлиги ташкил этилгандан то тугатилишига қадар амирликдаги қўшин қай тарзда ташкил этилганлиги, аскарлик таркибига қабул қилиш қонун-қоидалари, жангчиларнинг ёши, кийимлари, ҳарбий ўқув машғулоти, амирлик ҳудудида қўшиннинг тақсимланиши ва жойлаштирилиши, протекторат давридаги ҳарбий ислоҳотлар ва янги типдаги ҳарбий бўлинмаларнинг ташкил этилиши ва шунга ўхшаш бир қатор ҳолатлар мавжуд бўлган.

Бухоро амирлиги қўшинидаги дасталарда аскарлар сони бир хилда бўлмаган. Ҳар қайси уруғ ва ҳудуд мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ёки амирликдаги нуфузига қараб қўшин сони белгиланган. Бундан ташқари қўшин

таркибида турли давлатлар фуқаролари ҳисобланган ҳарбий асирлар, қуллар ва бошқа тоифа вакиллари ҳам мавжуд эди.

Амир Насруллоҳон (1827-1860) даврида қўшин тузилиши қуйидагича кўриниш олган эди:

Ҳарбий асирлардан иборат 80 кишилик гуруҳ, 700 кишилик ҳарбий бўлинма, улар 7 дастага бўлиниб бошида эллик боши, бу гуруҳ ҳам ўнликларга бўлиниб, даҳбоши бошқарган ва юзбошига ёрдамчи ҳарбий мансабдор ҳисобланган.

Таъкидлаш жоизки, Насруллоҳон манғит амирлари ичида биринчи бор пиеда сарбозлар таркибидан тўпчилардан иборат доимий ҳарбий бўлинмага асос солди.

Амириликда тўплар бундан ҳам олдин бўлишига қарамасдан улардан алоҳида гуруҳ, Ўғлон ва Талипоч дарвозалари олдида тўпчиларнинг казармалари барпо этилганлиги айтиб ўтадилар.

Қўшиннинг асосий таркибини асосан сарбозлар ташкил этиб, уларнинг сони 1868-1873 йилги Бухоро-Россия битимига кўра 12 мингдан ошмаслиги керак эди.

Амир Музаффархон давридан бошлаб сарбозлар икки гуруҳга бўлинган:

**1. Шанбеги сарбозлар**-бу гуруҳ сарбозлари ҳафтанинг шанба ва якшанба, душанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган.

**2. Сешанбеги сарбозлар**-бу гуруҳ сарбозлар сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган.

12 минг кишилик сарбозларнинг 6 минги “Сешанбеги” яъни 6 минги эса “Шанбеги” деб номланган. Ҳар минг кишилик сарбозлар гуруҳи дасталарга бўлиниб, саркардалар бошқарган.

Қўшин таркибига қабул қилишнинг турли томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, авваламбор жиноятчи, ўғри, маҳкумлар ота-оналар ўз фарзандлари устидан шикоятлари учун, қочоқлар эвазига уларнинг кафиликлари ҳисобидан сарбозлар қабул қилинганлигини айтиб ўтиш лозим.

Ҳарбий мансабдорларнинг Бухорога ёзган хатида хусусан шундай дейилади: -“Ҳазратимнинг азиз бошларига юз минг марта тасаддуқ бўлай! Нодон ва ризоталаб қулингиз Қирғизойим гузаридан Абдулжалилни-яъни олий зиндонга қамалган маҳбусни Моҳончи ҳамроҳлигида Балжувон вилоятидаги шоҳ Абдушукур мирохурнинг ҳузурига сарбозлик хизматиға юбордим”.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви Қўшбеги Канцеляриясида (И-126 жамғарма) сақланаётган юзлаб ҳужжатларни ўрганар

эканмиз, зиндонбанд этилганлардан ҳам ҳарбий хизмат сафига қабул қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳужжатларнинг бирида: -“Ҳазрати Саййидимнинг муборак бошларига тасаддуқ бўлай! Ҳазрати амири ғуфроннишон даврларида Носирхон, афғон ясовули, олий зиндонга қамалган эди. Олий фармойишга биноан Чоржўйга келиб сарбозлар сафига кўшилди. Ҳар йили у 50 ман ғалла олиб хурсандчилигидан жаноб олийлари ҳақларига дуо қилмоқда. Унинг кўчи Бухорои Шарифга қолган. Мазкур қулингиз, Қоровулбеги жаноб олий ҳазратимни бениҳоя дуо қилиб бандалиқ арзимни билдираманки, Олий давлатхонанинг қули бўламан. Қулингиз Бухорои Шарифга бориб навкарларингиз сафида хизмат қилиб, аҳлу аёли билан биргаликда зоти Олийни дуо қиламиз деб умид қиляпти. Мен бир ожиз нотавон қулингиз шу сабабдан олий марҳаматингиз ва розилигингиз не тариқа бўлади деган андиша арзини билдирдим” дейилган.

Ушбу маълумотдан кўринадики, сарбозларнинг бир қисми маҳбуслардан ташкил этилган. Сарбозликка қабул қилинганлар таркибини ўрганар эканмиз яна қуйидаги ҳужжатларга дуч келамиз: -“Ҳазратимининг муборак бошларига тасаддуқ бўлай. Пардалиқ навқариясидаги Имомназарбек эшоноғабоши қулингиздан. Бир қаровулбеги қулингиз қариб қолганлиги сабабли хизматнинг уддасидан чиқмаётир. Олий марҳаматингизни дариғ тутмай ўрнига Мулло Бобо исмли ўғлимни киритасиз деб умид қиламан. Олий ижозатингиз билан унинг ўғлини мирзабошилар навқарияси сафига кўшаман”.

Манбаларда эътироф этилишича, сарбозликка қабул қилинаётган пайтда унга бир кишидан 3 кишигача кафил бўлган, мабодо аскар хизматдан қочса, то топилгунга қадар унинг кафиллари ҳарбий хизматга жалб этилган:

«Мирбий парвоначи қулингиз Тўпчи қулларингиз ва иккита сарбозларнинг кўшини, яъни Бухорои Шарифда хизматда бўлганлар 30 нафарни ташкил этади. Улардан 8 нафар сарбоз қочиб кетган. Шунини юзбошига маълум қилдик. Агар қочганларни топа олмасалар, уларни қариндошларидан кафилларини қўлга олишга буюрдик. Ўшаларни кўшинни таркибига киритамиз. Ҳижрий 1326 (1908-09 йили)». Аксарият ҳолларда сарбозликка қабул қилинадиган вақтда унга учта кафил тайинланган. Бу ҳужжат қози иштирокида расмийлаштирилиб муҳр босилган. Хизматдан қочган сарбозлар ўрнига уч кафилнинг хизматга жалб этилиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин эди:

- кўшин таркибида тартиб интизомни сақлаб туриш;
- кўшиндан қочган, кафилсиз ва бедарак йўқолган сарбозлар ўрнини тўлдириш;

- мамлакатда ватанпарварлик руҳининг пасайиб кетганлиги, ҳарбий хизматни шараф эмас, балки, давлат мажбурияти деб билиш;

- ҳарбий хизматнинг оғирлиги;

- ҳарбий хизматнинг обрў ва эътибори йўқлиги;

- даромади ва тирикчиликнинг оғир шароити.

Қўшин таркибига қабул қилиш тўғрисидаги фикримизни давом эттирар эканмиз, сарбозликка қабул қилинганлар тоифасига ота-оналарнинг ўз фарзандлари устидан қилган арзларига асосланиб чақирилганларни ҳам кўриш мумкин. Ушбу маънода ёзилган кўплаб аризалар сақланган: Жаноби Олий ҳазратим камтарлар камтари ризожўй қулингиз Кенжабек қаровулбеги юзбоши қабул қиласиз деган умидда арз қилибди. Тасаддуқ бўлай, Махтобой деган қулингиз табаррук номангизни бу нодон қулингизга етказиб берди. Жаноби олий-ҳазратим, номада мазкур қулингиз Муртазо исмли фарзандини саришта қилиб билмаслигидан арз қилибди. Сизнинг марҳаматингиз билан уни ҳарбий кийимлар кийгизиб, қурол аслаҳалар бериб олий қўшин сафига киритсак.

Ўзга юртлардан паноҳ излаб келганлар, муҳожирлар ҳисобига ҳам қўшин сафи тўлдирилиб борилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга ҳам дуч келинди: «Ризоталаб қулингиз Абдулҳамидбек ва Мирқулибекнинг жаноби олий ҳазрат розиликларини тилаб ёзган аризаси: Бу иккала қулингиз ватанидан жудо бўлган. Минг азоблар билан остонангиздан мурод тилаб келганлар. Қулпарвар мазкур қулларингизни қўшинингиз қуллари қаторига қўшишингизни умид билан сўрайман».

Бундан ташқари, кўнгиллилар ҳисобидан қўшин сафи тўлдириб борилган. Мисол тариқасида ушбу аризани келтирамиз: Умидгоҳ, Оллоназар мирзабоши каминангиз қўшинида навкар эди, у вафот этди. Унинг ўғли Эшонқулибек уддабурон хизматкор бўлиб вазоратпаноҳ қўшинида хизмат қилишни орзу қияпти. Мазкур Эшонқулини ўзимнинг хизматкорларим сафига киритсам деб умид қиламан...1314/1896-97 йил.

Ҳар ҳолда архивларда бундай мазмундаги ҳужжатлар анча кам учрайди. Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, агар кўнгиллилар кўпчиликини ташкил этганда эди юқоридаги биз келтириб ўтган ҳолларда ҳарбий хизмат сафига қабул қилишлар йўллари қидирилмас эди.

Бухоро вилоятида ҳозирда истиқомат қилувчи қариялар билан қилинган шахсий суҳбатларда тўпланган маълумотларнинг аксарияти архив манбаларига мувофиқ келади ва бу борадаги фикримизни тўлдиради. Бухоро туманида яшовчи амирликнинг собиқ сарбози Очил Зариф ўғли 1910 йилги исёнда ҳалок бўлади. Икки ўғли билан қолган Маъсума ая ҳузурига амир амалдорлари келиб

ҳалок бўлган турмуш ўртоғига таъзия билдириб, 9 таноб ер ва бир хизматкор берилажагини айтишади. Шарт эса битта, бу ҳам бўлса азалий қоидага биноан ўғиллари вояга етгач умрбод сарбозлик хизматига олинади. Бу шартга норози бўлган Маъсума-ая ер ва хизматкордан воз кеча ди, ўғиллари вояга етгач ҳарбий хизмат сафарига юборилмайди.

Амирлик қўшинлари таркибини ўрганиш жараёни шуни тасдиқлай дики ҳатто, 1920 йилга қадар ҳам ҳарбий хизматчилар орасида қуллар мав жуд бўлган. Маълумки, Бухорода сарбозлар дастаси дастлаб зархарид қуллар дан тузилган бўлиб, улар умрларининг охиригача ҳарбий хизматни ўташ лари мажбурий бўлган. Ниҳоят, 1886 йил амир Абдулаҳад фармонида мувофиқ бошқа қуллар каби булар ҳам озодлик васиқаларини олиш ҳуқу қига эга бўлганлар. Аммо архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, сарбоз ларнинг кўпчилиги ўз озодлик васиқаларини қўлга кирита олмай амирга бу масалада қайта-қайта мурожаат қилишни давом эттирганлар. Қул аскарлар алоҳида ўнликларда хизмат қилишган.

Гарчи эркин сарбозлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб доимий қўшин кўри нишини олган бўлсада, тинчлик вақтларида улар шаҳар тозалигини сақлаш, ободончилик ва ҳатто деҳқончилик ишлари билан ҳам машғул бўлишган. Бундай сарбозлар ҳарбий машқ ва жанг вақтларидагина ҳарбий кийим ҳамда қурол-яроғ билан таъминланган. Амир Музаффархон ҳукмронлиги даврига қадар улар тинч вақтларда қурол-яроғларини ўз уйларига олиб келишган. Шу даврдан бошлаб уларнинг ҳарбий кийимида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Бошларида қора узун шапка (каландарларникига ўхшаш), оқ бўздан шим, кишда ҳарбий мундир (кулуча) Бухоро сарбозларининг кўринишларини ташкил этган. Шим ва мундир икки йилда бир бор алмаштирилган. Оёқ кийимини ҳар бир сарбоз ўзи билан олиб келишга мажбур бўлган. Амир Абдулаҳадхон даврига келиб ҳарбийларга икки йилда бир жуфт этик бериладиган бўлади. Ҳарбий мундир “Кулуча” ёки “ёпик” бош кийими эса “қўлончин” деб юритилган. Сарбозлар погонларида даста рақами ёпиштирил ган эди.

Амир Музаффархон вафотидан сўнг Амир Абдулаҳадхон сарбозлар сонини 2000 нафарга қисқартирди. Шанбеги сарбозлари 4 даста (4000 киши)ни, сешанбеги сарбозлари ҳам шунчани ташкил этди. Айниқса, бу даврда сарбозларнинг яна бир гуруҳи ажралиб чиқди. 4000 Шанбеги сарбозларидан 2000 нафари бешотар милтиқ билан қуролланиб уларга “думбалапурлар” (яъни ўқ милтиқнинг орқа томонида жойлашган, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки амирликда “думбалапур” номли тўплари ҳам мавжуд бўлиб улар эгалари ҳам думбалапурлар дейилган) деб ном берилди. Юқорида айтиб ўтилган

қисқартирилган сарбозлар туркумига Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфидан қабул қилинган (асосан Қўқон, Жиззах, Самарқандлик) лар кириб улар губернаторлик билан келишувга асосан озод этилиши керак эди. Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида рус асирлари дан қабул қилинган сарбозлар деярли озод этилган эди. Бундан ташқари Амир Абдулаҳадхон даврида кексайган, касалманд сарбозларни қўшин таркибидан озод этиш ишлари анча жонланган. Архив манбаларида бу масалага оид маълумотлар кўплаб келтирилади:

Иннайтов (Игнатов)- Бухорои Шарифдаги элчи тўра бу қулингизга хат ёзиб шуни билдиради. Самарқандлик Турсунхўжа Пўлоднинг завжаси, Самарқанд фуқароси бўлмиш Аберой Самарқанд ҳукуматига ариза ёзибди. Аризасида шундай дейилган: Жўрабой, Мир Ориф исмли икки нафар ўғлимнинг Бухорога бориб сарбоз бўлганларига 10 йил бўлди. Ҳозир мен қариб қолганман. У ерга бориб келишимнинг иложи йўқ. Шу сабабдан Аберой Самарқанд ҳукуматидан илтимос билан арз қилган ва икки нафар ўғлини Самарқандга юборилишини сўраган. Номлари қайд этилганлар ҳозирда Муборизатпаноҳ Мирзабой тўқсабо юзлигидаги Мухторхўжа коро вулбеги юзбоши қўшинида сарбозлик қилмоқдалар. Самарқанд ҳокимининг илтимосига биноан сиздан Жўрабой ва Мир Орифни Самарқанд фуқаролари бўлганликлари учун сарбозликдан озод этишингизни илтимос қилиб сўрайман. 1877 йил.

Шу мазмундаги ҳужжатлар Фарғона, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд яъни Россия империяси тасарруфига ўтган вилоятлардан ҳам келтирилади.

Бундан ташқари, қарилиги, касаллиги учун ҳам Амир Абдулаҳадхон давридан бошлаб кўплаб сарбозлар хизматдан озод этила бошланган. «Фозилбек қулингиз шуни маълум қилади: Ёқуббек Калиф вилоятида хизматдадур. Фалаж дардига мубтало бўлиб, хизматга яроқсиз ҳолатда ётибди. Уни хизматдан озод қилишингизни сўраб қоламиз».

Яна бир бошқа ҳужжатда 1883-йилда 450 нафар дан ортиқ сарбозлар қуликдан озод этилганлиги, озод этилган қул сарбозлардан эса 297 нафари яна сарбозлик хизматини давом эттириш истагида бўлганлиги айтиб ўтилади. Бўшаб қолган сарбозлар ўрнини тўлдириш кўпгина муаммоларни келтириб чиқарган. 1887 йилда юзбошилар ўз қўшинлари сони ҳақида ахборот берганларида Абдулҳаким юзбоши юзлигида 189 нафар (200 нафар ўрнига), Муҳаммад Азим юзлигида 190 нафар, Шариф юзбоши юзлигида 175 нафар, Чоржўйдаги учта юзликда 555 нафар, Остонқул юзбоши юзлигида 189 нафар ва ҳоказо сарбозлар сони келтирилади ва уларнинг таркиби тўла эмаслиги таъкидланади. Ҳатто ўнликларнинг кўпчилигида ҳам аскар сони тўлиқ эмаслигини билиб олиш қийин эмас.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви И-126-жамғарма. Бухоро амирлиги Қўшбеги Канцелярияси.
2. Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи архиви.
3. Троицкая А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. Душанбе. 1953.
4. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843
5. Залесов Н. Очерк дипломатических отношений России с Бухары с 1836 по 1843 г. // Военный сборник, 1826 т. 27
6. Соболев. Л. Новейшая история Бухарского ханства, //Туркестанские ведомости. 1876, № 28.
7. Салохов, А. Қ. БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.
8. Салохов, А. К. К АНАЛИЗУ ИДЕЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ ТУРКЕСТАНСКОГО ДЖАДИДИЗМА В КОНТЕКСТЕ ЕЕ СОВРЕМЕННОЙ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ, 464.
9. Санджар, М. Одним из факторов чистоты сердца является Фугуват. *Международный журнал инноваций в инженерных исследованиях и технологиях*, 98-101.
10. МУРАДОВ, С. А. СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ФАРИДУДДИНА АТТОРА. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (51), 529-531.
11. Мурадов, С. А., & кизи Касимова, Ф. Ф. (2022, December). ФИЛОСОФИЯ ДИЗАЙНА: ОСОБЕННОСТИ И СУЩНОСТЬ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 51-59).
12. Санжар, М. (2020). Взгляды Фаридуддина Аттара на бытие. *Международный журнал прикладных исследований. ИДЖАР*, 6(6), 34-36.
13. Муродов, С. А. (2009). Ибн Сино, Атор ва Навоий асарларида кушлар тимсоли. *Имом ал-Бухорий сабоқлари», Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент*, 273-276.

14. Мурадов, С. А. Современные методы философии и их значение в развитии мышления человека. *Актуальные исследования*, 51.
15. Murodov, S. A. (2022, November). Relationship between the universe and man in the works of Fariduddin Attor. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 35-41).
16. Karimov, B. K. (2022). HARMONY OF MIND AND SPIRIT. *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD*, 1(2), 56-61.
17. Каримов, Б. (2011). Гармонизация взаимоотношений государства, общества и человека как основа справедливого общества. постановка вопроса. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 8(1), 71-73.
18. Мирзакулов, Б. Т. (2015). Дипломатические и торговые связи Бухары с Россией XVI–XVIII вв. *Молодой учёный*, 20, 548.
19. Мирзакулов, Б. Т. (1994). Рабочая кооперация Узбекистана в 20-е-начале 30-х гг.
20. Султонова, Л. С. (2022). МЕСТО ИНЖЕНЕРНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 29-34.
21. Sultanova, L. (2021). The historical roots of spiritual education of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 461-463.
22. Aminovna, B. G. (2021). The role of social system and political ideas in achieving human prosperity. *Thematics Journal of Education*, 6(November).
23. Аминовна, Б.Г. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ВНУТРЕННИХ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ПУТЕЙ СВЯЗИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ КОРОЛЕВСТВ В РАЗВИТИИ ТОРГОВЛИ. *Web of Scientist: Международный научный исследовательский журнал*, 3 (10), 12:00–12:05.
24. Темиров, Ш. Т., & Азимов, А. А. (2016). Экономический и культурный рост народов центральной Азии в IX-X веках. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 104-105).
25. Jahongir, S. (2020). Philosophical views of Umar life. *Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. –India*, 10(4), 360-364.
26. Shodiev, J. J. (2020). Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. *International engineering journal for research & development. -India*, 5(3), 143-148.
27. Шодиев, Ж. Ж. Interpretation of the image of may in the ruba of Umar Khayyam. *Monografia pokonferencyjna science, research, development*, 33, 2020-30.



- 28.Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём фалсафий қарашларида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 2, 197-204.
- 29.Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубойларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили. *Илм Сарчашмалари.-Урганч*, 10, 44-47.
- 30.Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём рубойларининг талқин ва тавсифи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 9, 206-210.
- 31.Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. *Фалсафа ва ҳуқуқ.-Тошкент*, 3, 107-110.
- 32.Shodiev, J. (2021). The problem of knowledge in the philosophical views of Umar Khayyam. *Imat al-Bukhari IBS Journal*, 2.
- 33.Шодиев, Ж. (2022). Илк уйғониш даврида–комил инсонни шакллантириш ватарбиялашда тасаввуф таълимотининг ўрни. *Scientific Bulletin of NamSU-Научный вестник НамГУ-NamDU ilmiy axborotnomasi–2022-yil\_4-сон*, 229.
- 34.Шодиев, Ж. Ж. Мамлакатимизда инсон кадрини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. *Қарду хабарлари. Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар)*.
- 35.Shodiev, J. J. (2020). INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 206-211.
- 36.Jurakulovich, S. J. (2022). AGAINST IGNORANCE-FIGHTING WITH ENLIGHTENMENT THE MAIN CRITERIA IN IMPROVING HUMAN VALUE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.
- 37.Jurakulovich, S. J. (2022). ATTITUDE TO HUMAN DIGNITY IN THE PERIOD OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS DYNASTY. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 43-47.
- 38.Shodiyev, J. (2021). JAMIYATDAGI MEHNAT MUNOSABATLARI SHAROITIDA MA'NAVIY SALOHİYAT. *Журнал истории и общества*, (2)
- 39.SHODIEV, J. (2021). SOCIO-POLITICAL LIFE AND THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE PERIOD OF UMAR KHAYAM. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
- 40.Shodiyev, J. (2021). O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY-SIYOSIY KOMMUNIKATSIYA RIVOJLANISHIDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA SIYOSATI. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 409-416.
- 41.Shodiyev, J. J. (2020). U THE QUESTION OF HUMAN DESTINY AND FREE IN THE PHILOSOPHICAL VIEWS OF OMAR KHAYYAM. *Scientific and*

*Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 2(2), 197-202.

42. Shodiev Jahongir Jurakulovich. Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. *International Engineering Journal For Research & Development* 2020/4/16.

43. Jurakulovich, S. J. (2023). The role of the national idea in increase of human values. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.

44. Shodiyev Jahongir Jo'raqulovich. Inson qadri va uning huquqlari eng oliy qadriyat: tarixiy-huquqiy meros. *Ilm sarchashmalari/ Urganch* – 3.2023. 19-21.

45. Azimov, A. A., & Avliyokulov, U. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЭПОХИ АБУ АБДУЛЛАХ РУДАКИ. *Theoretical & Applied Science*, (5), 560-562.

46. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). Политическая и социальная жизнь в бухарском эмирате во взглядах ахмада дониша. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 66-67).

47. Азимов, А. А., & Ёғли Рўзиев, А. Ш. (2022, December). ОСОБЕННОСТИ КНИГИ АВЕСТА. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 37-42).

48. Azimov, A. A. (2022). PHILOSOPHICAL AND ETHICAL IDEAS OF THE EARLY RENAISSANCE OF THE EAST IN CENTRAL ASIA AND THEIR REFLECTION IN THE VIEWS OF ZAKARIA AR RAZI. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(7), 57-62.

49. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). КУЛЬТУРНАЯ И АРХИТЕКТУРНАЯ ВЗАИМОВЛИЯНИЯ ВОСТОКА И ВОСТОЧНОЙ ЕВРОПЫ С БУХАРОЙ. In *Современные тенденции развития науки и производства* (pp. 33-34).

50. Bafoev, F. M. (2020). О НЕКОТОРЫХ КОНТУРАХ НОВОГО МИРОВОГО ПОРЯДКА: ЭВОЛЮЦИЯ, ПРОГНОЗЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 388-390.

51. Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.

52. Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.

53. Бафоев, Ф. М. (2022, November). СТАТИСТИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ КАК ИНДИКАТОР ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ (ЦУР). In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 42-50).

- 54.Бафоев, Ф. (2012). К ВОПРОСУ ОБ ЭВОЛЮЦИОННОМ ПРИНЦИПЕ СТРОИТЕЛЬСТВА НОВОГО ОБЩЕСТВА В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 9(1), 54-55.
- 55.Бафоев, Ф. (2019). LIBERAL ISLAM IN THE CONTEMPORARY WORLD: NEW LANDMARKS OF TRUMP'S ADMINISTRATION. *Central Asia & the Caucasus (14046091)*, 20(2).
- 56.Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.
- 57.Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.
- 58.Шукуруллаев, Ю. (2022, December). СОЗДАНИЕ ВОЕННЫХ УСТАВНЫХ ГРУПП ЕВРОПЕЙСКОГО ТИПА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 42-51).
- 59.Шукриллаев, Ю. А. (2006). Бухоро амирлигида кўшин ва ғарбий иш (1756-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий дражасини олиш учун езилган диссертация.-Тошкент, 2006.
- 60.Шукруллаев, Ю. А. Армия Бухарского эмирата и военное дело (1756-1920 гг.). Автореферат кандидатской диссертации по истории.-Ташкент, 2006.-26 с.; К вопросу о дипломатических сношениях между Россией и Бухарой через Оренбург в конце XVIII-начале XIX веков. *Общественные науки в Узбекистане*.-1962, 7, 55-59.
- 61.Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2017). Роль воспитания молодежи в духе толерантности в процессе глобализации. *Молодой ученый*, (7), 421-422.
- 62.Нурматова, Н. У. (2017). Применение мультимедийных технологий в образовательных учреждениях. *Міжнародний науковий журнал Інтернаука*, (6), 25-27.
- 63.Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2016). Farabi-first philosopher in his times. *Молодой ученый*, (2), 943-944.
- 64.ЗОИРОВ, Э. Х. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. *АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований"*, (20), 29-32.
- 65.Зоиров, Э. Х. (2022, December). ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"* (Vol. 1, No. 4, pp. 121-131).

66. Zoirov, E. H. (2021). Questions of ontology of nature in the teachings of mahdumi azam. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 91-94.
67. Зоиров, Э. Х. (2022). ОРИФ РЕВГАРИЙ-ВТОРОЙ ПИР БУХОРО-И-ШАРИФ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 35-43.
68. Khalilovich, Z. E., & Orifovich, D. G. (2020). ANALYSIS OF THE TEACHINGS OF MAHDUMI AZAM AND CLASSIFICATION OF PAMPHLETS. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(4), 4-4.
69. Nigmatovna N. G., Erkinovna U. V. Pharaoh of the weavers of bahauddin naqshband // *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 922-926.
70. Наврўзова, Г. (2005). Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. *Тошкент: “Фан, 233*.
71. Nematovna, N. G. (2021, February). The essence of Abu Ali Ali Sina’s treatise on birds and the influence of mystical ideas on its development. In *Archive of Conferences* (Vol. 16, No. 1, pp. 19-23).
72. Наврўзова, Г. Н. (2021). Махдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 188-199.
73. Наврўзова, Г. Н. (2007). Нақшбандия-камолот йўли. *Тошкент: “Фан, 189*.